

2/2024,
mart-
aprel
(№ 00070)



АНКЛАВ ВА ЭКСКЛАВ ХУДУДЛАРДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Паязов Мурод Мақсудович

*Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси (DSc)
докторанти Фарғона, Ўзбекистон.*

fayz19700308@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a16

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидадаги анклав ва эсклав ҳудудларнинг инфратузилмасини Ўзбекистон ҳудуди билан боғлаш масаларига бағишланган бўлиб. Бугунги кунда ушбу эсклав ва анклав ҳудудларнинг қўшни давлат чегараларини кесиб ўтишларида бир оз қийинчиликлар, яъни ортиқча текшириш бир оз бўлсада фуқароларимизнинг қимматли вақтларини олаётганлигини ҳисобга олиб темир йўл инфратузилмасини ушбу ҳудудлар орқали ўтишини таъминлаш билан мазкур муаммони ҳал қилиш чора-тадбирларини икки мамлакат ўртасида қабул қилиниши ҳар икки томон учун маъқул келишувга эришиш зарурлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: анклав, эсклав, темир йўл саноати, Сўх тумани, темир йўл инфратузилмаси, ҳамкорлик

РАЗВИТИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ НА АНКЛАВНЫХ И ЭКСКЛАВНЫХ РАЙОНАХ ДОЛЖНО СТАТЬ ГЛАВНЫМ КРИТЕРИЕМ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

Паязов Мурод Мақсудович

*Ферганские политехнический институт докторант (DSc) кафедры «Менеджмент»
кандидат экономических наук, доцент*

Аннотация

Данная статья посвящена вопросам соединения инфраструктуры анклавов и анклавов Республики Узбекистан с территорией Узбекистана. Сегодня, принимая во внимание, что данные эклавы и анклавы имеют некоторые трудности при пересечении границ соседних стран, т.е. чрезмерный досмотр отнимает драгоценное время наших граждан, необходимо принять меры по решению этой проблемы между двумя странами, обеспечив проход железнодорожной инфраструктуры по этим направлениям подчеркивается, что необходимо достичь выгодной для обеих сторон договоренности.

Ключевые слова: анклав, эклав, железнодорожная промышленность, Сохский район, железнодорожная инфраструктура, во взаимном сотрудничестве.

THE DEVELOPMENT OF RAILWAY SERVICES IN ENCLAVE AND EXCLAVE AREAS SHOULD BECOME THE MAIN CRITERION OF NATIONAL POLICY

Payazov Murod Maksudovich

Fergana Polytechnic Institute Doctoral Student (DSc) Department of Management, Associate professor, PhD

Abstract

This article is devoted to the issues of connecting the infrastructure of the enclaves and enclaves of the Republic of Uzbekistan with the territory of Uzbekistan. Today, taking into account that these enclaves and enclaves have some difficulties in crossing the borders of neighboring countries, i.e. excessive inspection takes the valuable time of our citizens, it is necessary to take measures to solve this problem between the two countries, ensuring the passage of the railway infrastructure through these areas. It is emphasized that it is necessary to reach a favorable agreement for both parties.

Key words: enclave, esclave, railway industry, Sokh district, railway infrastructure, in mutual cooperation

Кириш

Темир йўл хизматларини ривожлантиришга бўлган эътибор, бутун дунёда, айниқса денгизга чиқиш имконияти йўқ бўлган давлатлар иқтисодиётини очиқлигини, ривожланишини, глобал иқтисодиёт сари интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Денгизга чиқиш имконияти йўқ 32 та давлатларнинг қарийиб 50% ҳали ҳануз темир йўл хизматларини, темир йўл саноатини ривожлантириш йўлидалар.

Темир йўл хизматларини ривожлантириш йўлида давлатлар, молиявий қийинчилик сабабли етарли даражада инвестиция кирита олмаяптилар. Темир йўл хизматларини ривожланиши оғир саноат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, оғир саноати ривожланмаган давлатлар учун қимматга тушяпти. Темир йўл саноати ривожланган давлатлар темир йўл саноатини ривожлантиришдан манфаатдорлиги уч хиссадир. Биринчи хиссаси инвестиция киритади, иккинчиси саноат маҳсулотини сотади, учинчиси темир йўллардан ҳамкорликда фойдаланади.

Ривожланаётган давлатлар учун ушбу темир йўлнинг ривожланиши беш хисса фойдалироқдир. Биринчиси ишлаб чиқарувчи, ундирувчи саноат ривожланади, иккинчиси урбанизациялаш даражаси тезлашади, учинчиси мамлакат инфратузилмаси ривожланади, тўртинчиси иқтисодиётда Адам Смитнинг нисбийлик назарияси ишлай бошлайди, яъни кўринмас қўллар ҳаракати натижасида жамият ва давлат тараққиёти интенсив ривожланиш палласига ўтади.

Аксарият денгизга чиқиш имконияти йўқ бўлган давлатларда ички темир йўллар маълум даражада мавжуд, гарчи темир йўл изларинг қамров даражаси паст бўлсада. Бугунги сиёсат мазкур давлатлардан мавжуд имкониятларни ишга солиб, қўшни давлатлар билан мустаҳкам, манфаатдор ҳамкорликни таъминлаш билан халқаро, нисбатан орзон транспорт тизимига, портларга чиқиш имкониятлари қидирмоқдалар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёв ғоялари билан “Бир макон бир йўл” дастурида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон қўшни давлатлар ҳамда Хитой, Туркменистон, Озарбайджон, Покистон, Эрон, Россия давлатлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Темир йўл хизматлари, уни бошқарув механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-методологик масалалари илмий менежмент мактаби вакиллари ҳамда

хорижий олимлардан А.Е.Красковский, В.В.Фортунатов[1], А.Фофуров[2], М.А.Икрамов[3] К.У. Ульджабоев[4], Я.К.Қорриева[6]. А.А.Зоҳидов[7], М.М.Зияева[8] А.Б.Бобожонов[9], Ж.С.Файзуллаев[10], Э.А.Камалова[11], М.Н.Ирисбекова[12], Г.Ш.Ханкелдиева[13], Н.Э.Бабахалов[14], Ғ.Б.Эрназаров. Раматов Ж,С [15] илмий тадқиқот олиб боришган бўлсаларда, лекин анклав ҳудудларда темир йўл хизматларини ривожлантиришга оид бирорта илмий иш ёки мақолани учратмадик.

Тадқиқот методологияси

Ушбу илмий тадқиқот ишимизда илмий абстракция, қиёслаш асосида хорижий тажрибаларни таҳлил қилдик.

Таҳлил ва натижалар

Дунёда жами 50 та анклав ҳудудлар бўлса, шундан 2 та анклав 4 эсклав ҳудуд Ўзбекистонда жойлашган. Буларнинг, биринчиси; Тожикистон давлатига қарашли, лекин Ўзбекистоннинг Наманган вилояти Поп тумани ҳудудида жойлаган Сарвак анклави. Иккинчиси, Қирғизистон давлатига қарашли, лекин Ўзбекистоннинг Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида жойлашган Барак қишлоғи. Шунингдек Ўзбекистон таркибига кирувчи 4 та эсклав ҳудуд бўлиб, буларнинг биринчиси, Қирғизистон давлатининг Боткен вилояти ҳудудида жойлашган 1 км² кичикроқ майдон. Иккинчиси, Қирғизистон давлатининг Сўх тумани ҳудудига киритилган Чўнғара қишлоғи. Учунчиси, Шохимардон Қирғизистон давлати Боткент вилояти ичида жойлашган. Тўртинчиси, Сох тумани Қирғизистон давлатининг Боткент ва Қадамжой туманлари оралиғида жойлашган (“1-жадвалга қаранг”).

1-жадвал

Ўзбекистонда жойлашган анклав ва эсклав ҳудудлар¹

№	Ҳудудлар	Қайси давлат ҳудудида жойлашган	Майдон и (км ²)	Тегишли ҳудудигача бўлган масофа (км)	Аҳоли си (Минг киши)	миллат
Эсклав (Ўзбекистон Республикаси таркибидаги)						
1.	Сох тумани	Қирғизистоннинг Боткент вилояти ҳудудида (Боткен ва Қадамжой туманлари оралиғида)	352	69	80	Тожикик 99%, қирғиз 0,7% Ўзбек 0,1 %
2.	Шохимардон	Қирғизистоннинг Боткент вилояти ҳудуди билан ўралган	90	17	10	Ўзбек 99% Киргиз 1%
3.	Чўнғара	Қирғизистоннинг Боткент вилояти ҳудудида (Боткен ва Қадамжой туманлари оралиғида)	0,26	1,2	1,3	Ўзбек 99% Қирғиз 1%
4.	Жайгайил	Қирғизистоннинг Боткент вилояти ҳудудида жойлашган	0,001	0,76	-	-
Анклав (Қўшни Республикалар ҳудудидаги)						

№	Худудлар	Қайси давлат ҳудудида жойлашган	Майдон и (км ²)	Тегишли ҳудудигача бўлган масофа (км)	Аҳоли си (Минг киши)	миллат
1.	Сарвак	Ўзбекистон Республикасининг Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган.	0,2	1,12 (Тожикистон ҳудудигача)	0,67	Ўзбек 99% Тожик-1%
2.	Барак	Ўзбекистон Республикасининг Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида жойлашган.	0,23	1,5 (Қирғизстон ҳудудигача)	0,6	Қирғиз 99% Ўзбек 1%

Ўзбекистоннинг эксклави Сох тумани дунёдаги эксалавлар ичида аҳоли ва майдони бўйича энг катта ҳудуд ҳисобланади. Сох туманида 30 та мактаб, 4 та коллеж,



2-расм. Сох туманининг жойлашуви

2 та касалхона, 12 та амбулатор-поликника, 10 та қишлоқ врачлик пункти бор. Аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради. Айниқса картошка маҳсулотлари маззаси ва юқори ҳосилдорлиги билан ажраб туради.

Сох тумани жисмоний шахсларнинг даромад солиғи амалдаги солиққа нисбатан 50% чегирма берилган. Давлат 10% имтиёзли кредитлар билан тامينлаган. Врачларга 40%дан 100% гача оулик иш ҳақларига устмалар берилади. 2020-2022 йилларда Сох туманига 500 млрд.сўм маблағ ажратди. Қишлоқ хўжалиги, хизматлар соҳаси ва саноат тармоқларида 98 лойиҳа амалга ошрилди. Ўзбекистон миллиардлаб пул сарф қилмоқда, лекин ҳудуднинг Қирғизистон давлати билан ўралганлиги ва Қирғизистон чегарасидан ўтишнинг қийинлиги, аҳолининг ўтишига ҳамда маҳсулотлар айрибошлашига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Натижада Сох вилоятига киритилган инвестиция субсидияга ўхшаб қолмоқда. Самарадорлик кўрсаткичлари жуда паст. Қолган эксклав ва анклав ҳудудларда ҳам ҳудди шундай оғир аҳвол.

Хулоса ва таклифлар

Бунга ечим борми деган савол туғилади. Албатта ечим бор. Бунинг ечими ҳалқаро даражада бутун ҳамжамият ушбу муаммоларни билиши ва ушбу масалага сиёсий даражада жиддий ёндошишлари лозим бўлади. Бу масланинг ечими икки давлат ўртасидаги узоқ муддатли меморандум, яъни икки давлат анклав ва эксклав ҳудудларга темир йўл изларини ётқизиш ва доимий рейсларни қўйишдир. Қачонки, икки давлат ўртасидаги чегарадан ўтишни давлаталар назорати остига олиб темир йўл хизматлари ривожлантириши, темир йўл изларини йўлга қўйиши керак, шундагина барқарор иқтисодий тараққиёт сари илк қадамлар қўйилади. Нафақт давлат, балки

жаҳон цивилизациясида ҳам туб ўзгаришларга сабаб бўлади. Шунда, Сох тумани нафақат қишлоқ хўжалиги билан, саноати, ундирувчи саноати, экспорти, импорти билан мамлакат ЯИМга катта хиссасини қўшади. Туманнинг инвестиция жозибадорлиги таъминаланади. Ушбу тажриба кейинчалик барча анклав ва эксклав ҳудудларга кириб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. А.Е.Красковский, В.В.Фортунов. Прорывные управленческие технологии на железнодорожном транспорте. СПб.: Петербургский государственный университет путей сообщения; М.: Учеб.-метод. центр по образованию на ж/д транспорте. 2012. - 340 с.

2. А.Фофуров. Курс на повышение эффективности работы железной дороги. // Межвузовский сборник научных трудов. Проблемы обеспечения безопасности работы железнодорожного транспорта. М.: Визиит. 1990. – с 84-89.

3. М.А.Икрамов. Развитие автомобильных перевозок по Великому шелковому пути. // Экономическое возрождение России. №4. 2010. –С. 28-36.;

4. К.У. Ульджабоев. Транспортная стратегия Республики Узбекистан на период до 2030 года. Методологические принципы и подходы. – Т.: 2014. – 43с;

5. Я.К.Қорриева. Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. Иқт.фан.док. дисс. автореф., Тошкент-2004.;

6. А.А.Зоҳидов. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизминини такомиллаштириш. Иқт. фан. док.дис. Автореф., Тошкент- 2018. -66 б.

7. М.М.Зияева. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мисолида). Иқт. фан. док.дис. Автореф., Тошкент - 2018. – 69 б.

8. А.Б.Бобожонов. Ўзбекистонда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари. Иқт. фан. фалсафа. док.дис. Автореф., Тошкент- 2018, - 57 б.

9. Ж.С.Файзуллаев. Интеграциялашаган транспорт логистика тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида). Иқт. фан. фалсафа. док.дис. Автореф., Тошкент-2019. -56 б.

10. Э.А.Камалова. Совершенствование логистического управления перевозками грузов. Иқт. фан. фалсафа. док.дис. Автореф. Тошкент -2019. – 51 б.

11. М.Н.Ирисбекова. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлар бозорини оптималлаштириш услубларини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. дис. Автореф., Тошкент 2017. -84 б.;

12. Г.Ш.Ханкелдиева. Методы использования маркетинговых исследований в сфере железнодорожного и пассажирского транспорта. Ж.: Бюллетень науки и практики № 5(8) 2022, с.489-484.;

13. Н.Э.Бабахалов. Темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил услубиётини такомиллаштириш. Иқт.фан.доктори (DSc) док. Автореф. Тошкент-2022. -71 б.